

“Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркига ОАВ вакиллари учун пресс-тур, матбуот анжумани ва технопарк резидентлари билан очиқ мулоқот ташкиллаштирилди

// 29 sentabr 2022 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/chirchiq-kimyo-industrial-texnoparkiga-oav-vakillari-uchun-press-tur-tashkillashtirildi>



Бугун 29 сентябрь куни “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркига ОАВ вакиллари учун пресс-тур, матбуот анжумани ва технопарк резидентлари билан очиқ мулоқот ташкиллаштирилди. Унда мамлакатимизнинг етакчи ОАВ вакиллари ва технопарк резидентлари иштирок этишди. Дастлаб журналистлар учун “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки дирекцияси директори Жаҳонгир Абдурахманов ва бошқарув компанияси бош директори Фарит Газизовлар томонидан “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки барпо этилиши тарихи, ҳозирги кундаги фаолияти, лойиҳалар ва технопарк резидентлари ҳақида тақдимот ўтказилди.

Шундан сўнг пресс-тур иштирокчилари "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки ҳудуди, ишга туширилган лойиҳалар ва ишлаб чиқариш майдонлари билан танишишди.

Яқунда ОАВ вакиллари учун "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби Рустамбек Эшбеков, "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки дирекцияси директори Жаҳонгир Абдурахманов ва бошқарув компанияси бош директори Фарит Газизовлар иштирокида матбуот анжумани ва технопарк резидентлари билан очиқ мулоқот ўтказилди.



Узкимёсаноат

ВАРИАНТЫ РАЗМЕЩЕНИЯ

- Аренда
- Выкуп здания
- Строительство под ключ

31,2 га
Общая площадь

124,4 тыс.кв.м
Производственные помещения

AGEN

NATURAL HEALTH

“Ўзкимёсаноат” АЖ
МАТБУОТ ХИЗМАТИ

uzkimyosanoat (+99878) 140-74-26







[uzkimyosanoat](https://www.facebook.com/uzkimyosanoat)



[uzkimyosanoat.uz](https://www.instagram.com/uzkimyosanoat.uz)



[\(+99878\) 140-74-26](tel:+998781407426)







"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати